

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК ИНСТИТУТИ

Қўлёзма ҳуқуқида
УДК 343.85 (575.1)

ТОШПЎЛАТОВ АКРОМ ИКРОМОВИЧ

ЁЛҒОН ГУВОҲЛИК УЧУН ЖИНОИЙ ЖАВОБГАРЛИК
МУАММОЛАРИ

12.00.08 – Жиноят ҳуқуқи ва криминология;
жиноят ижроия ҳуқуқи.

Юридик фанлар номзоди илмий даражасини
олиш учун ёзилган диссертация

АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент-2008

Иш Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси И.Мўминов номидаги Фалсафа ва ҳуқуқ институти “Жинойят ҳуқуқи ва процесси” бўлимида бажарилган

Илмий раҳбар:

юридик фанлар доктори, доцент
Зуфаров Рустам Ахмедович

Расмий оппонентлар:

юридик фанлар доктори
Гулямов Зафар Хисамович
юридик фанлар номзоди, доцент
Соттиев Иброҳимжон Абдуллажонович

Етакчи ташкилот:

**А.Навоий номидаги Самарқанд
давлат университети**

Ҳимоя Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Тошкент давлат юридик институти қошидаги юридик фанлар доктори (номзоди) илмий даражасини олиш учун диссертациялар ҳимояси бўйича Д 016.15.01 рақамли ихтисослашган кенгашнинг 2008 йил 21 ноябрь соат 10⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади (100047, Тошкент ш., Сайилгоҳ кўчаси, 35)

Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Тошкент давлат юридик институти кутубхонаси (100047, Тошкент ш., Сайилгоҳ кўчаси, 35) да танишиш мумкин.

Автореферат 2008 йил 20 октябрда тарқатилди.

Ихтисослашган кенгаш илмий котиби
юридик фанлар доктори, профессор

**Абдурасулова
Қумринисо Раимқуловна**

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ

Мавзунинг долзарблиги. Суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилишдан кўзланган асосий мақсад инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликларини умуминсоний демократик тамойиллар асосида таъминлашдир.

Президентимиз И.А.Каримов таъкидлаганларидек, “1993 йили қабул қилинган “Судлар тўғрисида”ги биринчи Қонунда, айбсизлик презумпцияси, ҳимояга бўлган ҳуқуқ, суд жараёнидаги тортишув ва ошқоралик каби умумэтироф этилган тамойиллар белгилаб қўйилган эди. Ушбу тамойиллар жиноят, жиноят-процессуал ва бошқа қатор кодекс, қонунларда ривожлантирилди. Ислоҳотларнинг мана шу босқичида судлов иш юритишнинг, том маънодаги мустақил ва фақат қонун олдида жавоб берувчи суд тизимининг қонуний асослари яратилди”¹.

Суд-ҳуқуқ тизимида олиб борилаётган ислоҳотлардан кўзланган асосий мақсадлардан бири фуқароларда суд ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига жазоловчи орган эмас, балки шахс ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қиладиган органлар сифатида қарашни шакллантиришдир. “Яна бир муҳим масала – суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларининг масъулиятини кучайтириш ҳақида алоҳида тўхталишни ўринли, деб биламан. Такрор-такрор айтишга тўғри келади, бу соҳада хизмат қиладиган одамлар ўзининг профессионал ва фуқаролик бурчини, ўз вазифасини қанчалик ҳалол ва сидқидилдан ижро этиши, ҳеч муболағасиз, бутун ҳокимиятнинг обрўси ва кишиларимизнинг адолатга ишончи қай даражада бўлишини белгилайди”² деган фикрлари юртбошимизнинг ушбу масалага давлат миқёсида қанчалик эътибор қаратилаётганлигидан далолат беради.

Одил судловни амалга оширувчи органлар фаолиятининг муҳимлиги одил судловни жиноий тажовузлардан қўриқланишини тақозо этади. Шу боис Жиноят кодексининг алоҳида бобида одил судловга қарши жиноятлар учун жавобгарлик назарда тутилган.

Одил судловнинг муваффақияти ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг самарали фаолияти фақат бу органлар томонидан қонун нормаларига риоя этилишига эмас, балки одил судлов фаолияти соҳасига жалб қилинган ва унга ёрдам кўрсатишга бурчли бўлган барча шахслар: гувоҳлар, экспертлар, жабрланувчилар, таржимонлар ва бошқаларнинг ўз фуқаролик бурчини виждонан бажаришига ҳам боғлиқ.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 238-моддасида назарда тутилган ёлғон гувоҳлик бериш одил судловга қарши жиноятлар ичида энг кўп содир этилмоқда.

Гувоҳлар, жабрланувчиларнинг кўрсатувлари, экспертнинг хулосалари одил судловни қонуний ва тўғри амалга ошириш, жиноят, фуқаролик ва

¹ Каримов И.А. Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. Т.10-Т.: «Ўзбекистон», 2002.- 29 б.

² Каримов И.А. Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди. Т.13 – Т.: « Ўзбекистон», 2005. – 109 б.

бошқа ишлар бўйича объектив ҳақиқатни аниқлашда муҳим аҳамият касб этади. Гувоҳларнинг кўрсатувларидан далил сифатида фойдаланилмаган бирорта ҳам жиноят иши мавжуд эмас.

Жабрланувчи, гувоҳларнинг ёлғон кўрсатув, экспертнинг нотўғри хулоса бермаслигини ва таржимоннинг нотўғри таржима қилмаслигини таъминлаш фуқаролик, жиноят ёки хўжалик ишлари бўйича қонуний, адолатли ва асосланган ҳукм, қарор, ажрим чиқаришда муҳим аҳамиятга эгадир.

Буларнинг барчаси ушбу диссертация тадқиқоти учун танланган мавзунинг долзарблигидан далолат беради. Мазкур тадқиқот ишининг мазмунини ҳуқуқ тартиботнинг ҳолатига салбий таъсир кўрсатувчи, шунингдек, суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг обрўсига путур етказаётган ёлғон гувоҳлик учун жиноий жавобгарлик ва ёлғон гувоҳлик беришга қарши кураш муаммолари ташкил этади.

Афсуски, юридик адабиётларда ёлғон гувоҳлик беришга қарши курашнинг жиноят-ҳуқуқий ва криминологик жиҳатлари ниҳоятда кам ёритилган. Ушбу тадқиқот иши жиноят ҳуқуқи ва криминология фанларидаги мавжуд бўшлиқни тўлдиришга хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикаси жиноят, жиноят-процессуал қонунлари, махсус юридик адабиётларни ўрганиш, суд амалиётининг таҳлили ва уларни умумлаштириш асосида ёлғон гувоҳлик берганлиги учун шахсни жиноий жавобгарликка тортиш ва мазкур жиноятларнинг олдини олишда қуйидаги муаммолар мавжудлиги аниқланди:

- сўнгги йилларда рўй берган ва кўпгина ижтимоий институтларнинг мазмун моҳиятини ўзгартириб юборган ижтимоий воқеаликлар жиноятчиликка қарши кураш борасидаги илгариги назарий криминологик категорияларни қайтадан кўриб чиқилишини тақозо этади;

- ёлғон гувоҳлик беришга оид расмий статистика юритилмайди, бу эса ўз навбатида мазкур жиноятларнинг вужудга келиш қонуниятларини аниқлаш, уларга асосланган ҳолда криминологик прогнозлар қилиш имконини бермайди;

- ёлғон гувоҳлик беришнинг олдини олишга қаратилган илмий асосланган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилмаган;

- ёлғон гувоҳлик берганлик учун жиноий жавобгарликни қўллашга оид нормаларнинг ҳозирги кун талабига жавоб бермаётганлиги сабабли уларнинг олдини олишга қаратилган чоралар кутилган самарани бермаяпти;

- ёлғон гувоҳлик беришнинг бошқа ўхшаш жиноятлардан фарқлари тадқиқ қилинмаганлиги боис тергов ва суд амалиётида мазкур жиноятлар турлича квалификация қилинмоқда;

- ёлғон гувоҳлик беришнинг олдини олиш тизими ишлаб чиқилмаган, ёлғон гувоҳликка қарши курашнинг процессуал воситалари ҳам бугунги кун талабларига жавоб бермайди.

Мазкур муаммоларнинг мавжудлиги суд ва тергов органлари амалиётида ёлғон гувоҳлик беришга оид жиноят-ҳуқуқий нормаларни

қўллашда жиддий қийинчиликлар туғдиради, натижада мазкур қилмишни квалификация қилишда хатоларга йўл қўйилмоқда, ушбу жиноят таркиби аломатлари бўлмагани ҳолда, баъзан гувоҳни ёлғон кўрсатув берганлик, экспертнинг нотўғри хулоса берганлиги ёки нотўғри таржима қилганлик учун асоссиз равишда жавобгарликка тортиш ҳолатлари ҳам мавжуд.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ёлғон гувоҳлик беришни тадқиқ қилиш масаласига миллий юридик адабиётларимизда етарлича эътибор берилмаган. Ғ.Абдумажидов, Ю.Каракетов, М.Х.Рустамбоев, М.Усмоналиев, З.Ҳ.Ғуломов, Қ.Абдурасулова, И.Исмоилов, Ю.Рахимов³нинг асарларида бу муаммонинг айрим жиҳатлари тадқиқ қилинган, ҳолос.

Умуман ўрганилаётган муаммога оид тадқиқотлар мавзу ва унинг тушунчасига нисбатан тўғри ёндашувларни белгилаш имконини беради. Чунончи, Россия ва бошқа ёндош мамлакатларда И.С.Власов, А.А.Закатов, С.С.Кузьмина, И.М.Тяжкова, О.А. Зайцев, С.Н. Щерба, А.А. Эйсман, М.А.Якуб, Н.А.Сартаева каби олимларнинг асарларида ёлғон гувоҳлик беришнинг жиноят-ҳуқуқий муаммолари ўрганишга эътибор берилган, С.С. Кузьмина, А.А. Ратинов, Ю.П. Адамов, М.Х.Хабибулин, В.С. Фельдблум ва Ю.Н. Адамовлар ёлғон гувоҳлик беришни алоҳида тадқиқ қилган. Л.Брусницын, М.Н.Новикова, А.Д. Бойков, И.А. Воробьев, Ф.Г. Григорьев, Э.Р. Аберхаевлар эса ёлғон гувоҳлик беришнинг олдини олишга оид жиноят процессуал масалаларни, В.Бахин, М.Когамов, Н.Карпов, А.А.Шмидт, М.А.Нагимов, А.И.Костров, Н.И.Гавриловлар криминалистик жиҳатларини ўрганганлар.

Мустақилликка қадар ва ундан кейинги даврда республикаимизда ёлғон гувоҳлик беришнинг жиноят-ҳуқуқий ва криминалогик жиҳатларига бағишланган монографик тадқиқотлар олиб борилмаган.

Мустақилликка эришилганидан кейин Ўзбекистон Республикаси Жиноят ва Жиноят-процессуал кодексларига МДХ давлатлари ичида биринчи бўлиб инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишда муҳим аҳамиятга эга бўлган гувоҳлик иммунитети тўғрисидаги қонуннинг киритилганлигига қарамасдан, ушбу мавзу ҳанузгача тадқиқот объекти бўлмаганлигини таъкидлаш лозим.

Диссертация ишининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация мавзуси Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Фалсафа ва ҳуқуқ институти илмий тадқиқот ишлари режасига киритилган ва Илмий кенгашнинг 2002 йил 27 ноябрдаги йиғилишда тасдиқланган (4-сонли баённома).

Тадқиқотнинг мақсади ёлғон гувоҳлик учун жиноий жавобгарлик муаммоларини ўрганиш, унга жиноят-ҳуқуқий ва криминалогик таъсир кўрсатишнинг илмий асосларини, жиноят қонуни нормаларини такомиллаштиришга оид таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқишдан иборатдир.

Тадқиқотнинг вазифалари:

³Ушбу муаллифлар асарларининг тўлиқ рўйхати диссертацияда берилган.

- ёлғон гувоҳлик беришнинг объектив ва субъектив белгиларини таҳлил қилиш;

- ёлғон гувоҳлик беришнинг ўхшаш жиноятлар: тухмат, ёлғон хабар бериш, жиноят процесси иштирокчиларининг ўз зиммасидаги вазифани бажаришдан бўйин товлаши, жиноятларни яшириш ёки жиноят ҳақида хабар бермасликдан фарқларини аниқлаш;

- ёлғон гувоҳлик учун жиноий жавобгарлик муаммоларини таҳлил қилиш;

- ёлғон гувоҳлик беришнинг криминологик жиҳатларини ўрганиш;

- мазкур жиноятларни вужудга келтирувчи ижтимоий омилларни назарий-ҳуқуқий жиҳатдан асослаб бериш;

- ушбу жиноятларни содир этган шахсларнинг хусусиятлари ва улар содир этган жиноятларга оид маълумотларни йиғиш, умумлаштириш ва таҳлил қилиш;

- мазкур жиноятларга қарши курашнинг қонунчилик ва бошқа норматив-ҳуқуқий базаси, унинг олдини олиш билан боғлиқ муаммоларни ҳал қилишга қаратилган дастурларни такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

- ёлғон гувоҳлик беришнинг олдини олиш чораларининг бугунги ҳолатига баҳо бериш ва мазкур тизимининг самарадорлигини оширишга қаратилган таклиф ва тавсиялар бериш.

Тадқиқотнинг объекти ёлғон гувоҳлик учун жиноий жавобгарлик масалалари ва ёлғон гувоҳликка қарши курашнинг жиноят-ҳуқуқий ва криминологик муаммолари ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предметига ёлғон гувоҳлик бериш ва ушбу қилмишлар учун жиноий жавобгарликнинг ўзига хос хусусиятлари; жиноий ҳуқ-атворнинг олдини олишнинг умумий, махсус ва индивидуал тизимлари нуқтаи назаридан профилактик таъсир кўрсатиш имкониятлари киради.

Тадқиқот методлари: ижтимоий ҳодисаларни билишнинг умумилмий методлари, шунингдек, хусусий-илмий методлар: тарихий-юридик, қиёсий-ҳуқуқий, формал-мантиқий, социологик, психологик, статистик методлар ташкил этди.

Ҳимояга олиб чиқиладиган асосий ҳолатлар:

- ёлғон гувоҳлик учун жиноий жавобгарлик белгиланган қонунларнинг ривожланиши тарихий-ҳуқуқий жиҳатдан ўрганилди, хусусан, бу каби қилмишлар учун жавобгарлик масалаларига оид илк ғоялар маънавиятимиз сарчашмаси бўлмиш “Авесто”да, муқаддас динимизнинг табаррук манбаи “Қуръони карим”да, “Мухтасар”, “Ҳидоя” каби шариатнинг ишончли манбаларида, шунингдек қатор саҳиҳ ҳадисларда ўз ифодасини топганлиги, Ўзбекистоннинг 1926, 1959 ва 1994 йиллардаги Жиноят кодексларининг мазкур қилмиш учун жавобгарлик белгиланган нормалари қиёсий таҳлил қилинган;

- амалдаги Жиноят кодексида ёлғон кўрсатув ва экспертнинг нотўғри ҳулоса бериши ҳамда нотўғри таржима қилганлик учун битта моддада

жавобгарлик белгиланганлиги тўғри эмаслиги ва уларни алоҳида моддаларида бўлиши зарурлиги асослаб берилган;

- ёлғон гувоҳлик беришга қарши курашнинг жиноят-ҳуқуқий ва криминалогик жиҳатларини ташкил этишнинг моҳияти ва мазмуни комплекс тарзда ўрганилган;

- тадқиқот олиб бориш жараёнида ёлғон гувоҳлик беришнинг сабаблари аниқланган;

- ёлғон гувоҳлик беришни олдини олишнинг тарбиявий, умумижтимоий аҳамияти асослаб берилган;

- жабрланувчилар, гувоҳлар ва жиноят процесснинг бошқа иштирокчиларини ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий тизими яратилиши зарурлиги, унинг таркибий қисмлари асосланган;

- жабрланувчи ва гувоҳлар хавфсизлигини таъминлаш мақсадида суд-тергов амалиётида аудио ва видео техникалардан фойдаланишни жорий қилиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган;

- суд-тергов амалиётида ёлғон гувоҳлик беришнинг ўхшаш жиноятлардан фарқлашга эътибор қаратилмаётганлиги ва натижада ушбу қилмишларни квалификация қилишда хатоликларга йўл қўйилаётганлиги кўрсатиб берилган ва уларни бартараф қилиш бўйича мулоҳазалар билдирилган;

- ёлғон гувоҳлик берганлик учун жиноий жавобгарлик назарда тутилган жиноят қонуни нормаларини такомиллаштириш ва уларни суд амалиётида тўғри қўллаш бўйича таклиф ва тавсиялар берилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги шундаки, у республикамизда ёлғон гувоҳлик учун жавобгарликнинг жиноят-ҳуқуқий муаммолари ва унга қарши курашнинг криминалогик жиҳатларига бағишланган дастлабки монографик тадқиқот ҳисобланади. Диссертацияда статистик, демографик таҳлил методлари асосида Ўзбекистондаги ёлғон гувоҳлик беришнинг кенгайтирилган тавсифи берилган, шахсни ёлғон гувоҳлик учун жавобгарликка тортишда мавжуд муаммолар аниқланган, уларни бартараф қилиш юзасидан илмий асосланган таклифлар ишлаб чиқилган, мазкур жиноятнинг ҳолати ва динамикаси, унинг латентлик даражаси, ёлғон гувоҳлик беришнинг сабаблари аниқланган; ушбу қилмишнинг олдини олишга қаратилган жиноят ҳуқуқий, жиноят-процессуал ва криминалогик чоралар тизими асослаб берилган; ёлғон гувоҳлик беришни квалификация қилишда суд-тергов амалиётидаги муаммолар, камчиликлар аниқланган, уларни бартараф этишга ва жиноят қонуни нормаларини такомиллаштиришга доир таклифлар ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқотнинг илмий аҳамияти ёлғон гувоҳлик бериш жинояти таркиби айниқса, мазкур жиноятнинг криминалогик тафсилотлари ва унинг олдини олишга янги ақдошувда акс этади.

Илмий ишнинг натижалари, назарий хулосалардан жиноят ҳуқуқи ва криминалогия фанларини ўқитишда, жумладан, суд-тергов ходимларининг

малакасини ошириш тизимида фойдаланиш мумкин. ЎзР ЖК 238-моддасини қўллаш ва ёлгон гувоҳлик беришнинг олдини олиш, жиноят қонуни нормаларини такомиллаштириш юзасидан таклифлар амалий аҳамиятга эга бўлиб, улар ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари фаолиятида қўлланилиши мумкин.

Натижаларнинг жорий қилиниши. Диссертация муаллифининг Жиноят кодексини такомиллаштириш ва суд амалиётини яхшилашга оид таклиф ва тавсиялари Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Олий судига юборилиб, тегишли далолатномалар олинган.

Тадқиқот натижаларидан Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети ҳуқуқшунослик факультети талабаларига маърузалар ўқишда фойдаланилмоқда.

Ишнинг синовдан ўтиши. Диссертация иши Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси И.Мўминов номидаги Фалсафа ва ҳуқуқ институти “Жиноят ҳуқуқи ва жиноят процесси” бўлими мажлисида, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Республика юристлар малакасини ошириш Марказидаги илмий-назарий семинарда, Тошкент давлат юридик институти ҳузуридаги Муаммовий кенгашда муҳокама қилиниб, ҳимояга тавсия этилган.

Ҳимояга қўйилаётган қоидалар ва илмий хулосалар ҳақида “Ўзбекистон Республикасида демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти куриш масалалари” (Тошкент, 2005), “Ўзбекистонда демократик ислохотларни ривожлантиришнинг долзарб масалалари” (Тошкент, 2005), “Дастлабки терговда суд назоратини ташкил қилиш муаммолари” (Тошкент, 2006), “Тарих, фалсафа ва социологиянинг бирлиги” (Самарқанд, 2007), “Миллий ғоя ва мафкуранинг фалсафа ва ҳуқуқ фанлари ривожигаги ўрни” (Тошкент, 2008) мавзуларидаги Республика илмий-амалий конференцияларда маърузалар қилинган.

Натижаларнинг эълон қилинганлиги. Илмий тадқиқот ишининг муҳим назарий хулосалари ва амалий тавсиялари муаллифнинг 13 та илмий мақолаларида ўз аксини топган бўлиб, уларнинг 5 таси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги ОАК рўйхатидаги илмий журналларда эълон қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, ўн битта параграфни ўз ичига олган учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг умумий ҳажми 151 бет бўлиб, 205 та адабиётдан фойдаланилган. Иловалар 16 бет.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Ишнинг кириш қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги асосланиб, тадқиқ этилаётган муаммонинг ўрганилганлик даражаси ифодаланган, тадқиқотнинг объекти ва предмети, унинг мақсад ва вазифалари, методологик ва назарий асослари, илмий янгилиги ва ҳимояга олиб

чиқиляётган асосий хулосалар, тавсия ва қоидалар шакллантирилган, шунингдек, диссертация ишининг илмий ва амалий аҳамияти асослаб берилган.

Тадқиқотнинг **“Ёлғон гувоҳлик учун жавобгарлик белгиланган қонунларнинг ривожланиш тарихи ва умумий тавсифи”** деб номланган биринчи боби иккита параграфдан ташкил топган.

Биринчи параграф **“Ёлғон гувоҳлик учун жиноий жавобгарлик белгиланган қонунларнинг ривожланиш тарихи”** деб номланиб, унда ёлғон гувоҳлик бериш ва умуман ёлғон гапириш барча мамлакатларда қадим замонлардан бери қораланиб келяётган салбий иллатлардан бири эканлиги, ушбу қилмиш тарихан узоқ даврлардан бери турли норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда таъқиқлаб келинаётганлиги қайд этилган.

Зардуштийларнинг муқаддас китоби “Авесто”нинг 10-Яштида (Меҳр Яшт) “Шафқатсиздир гар кимда-ким ёлғончидур”⁴, деб ёзилган. Бундан кўриниб турибдики, зардуштийларда ёлғон сўзлаш, айниқса, бошқа бировни била туриб ёлғондан айблаш, ёлғон гувоҳлик бериш қабилад оғир жиноятлардан бири саналган. “Авесто”да жиноятлар эзгу фикр, эзгу сўз ва эзгу амалга қарши қилмишларга ажратилган бўлиб, ёлғон сўз билан боғлиқ жиноятлар “эзгў сўз”га қарши жиноятларга киритилган.

“Қуръони карим”да ҳам тўғри гувоҳлик бериш лозимлиги қатор суръаларда кўрсатилган бўлиб, булар сирасига: Бақара, Нисо, Моида, Анъом, Аъроф, Наҳл, Ҳаж, Нур, Фурқон, Аҳзоб, Шўро, Ҳадид, Маориж ва бошқаларни киритиш мумкин. Масалан, Бақара сурасининг 282-оятда қарз олинганида ёки берилганда унинг ёзиб қўйилиши ҳамда гувоҳ тариқасида икки эркак (агар икки эркак топилмаса, бир эркак ва икки аёл) бўлиши мандуб (ихтиёр) этилган⁵.

Нисо сурасининг 135-оятда Аллоҳ йўлида тўғри гувоҳлик бериш, шунингдек, ёлғон сўзламаслик ва гувоҳликдан бош тортмаслик лозимлиги баён этилган. Ҳаж сурасининг 30-оятда ёлғон сўздан четда бўлиш кераклиги ўз ифодасини топган. Нур сурасида эса, охиратда бўҳтонлар учун инсоннинг тили, қўл ва оёқлари уларнинг зарарларига гувоҳлик бериши ҳамда ушбу кунда Аллоҳ уларнинг ҳақиқий жазосини бериши ўз аксини топган.

Ёлғон гувоҳлик бериш қадимда нафақат диний меъёрлар билан, балки илк норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда ҳам таъқиқланган бўлиб, мисол сифатида Хамураппи қонунларини келтириб ўтишимиз мумкин. Хамураппи қонунлари қатор меъёрлар гуруҳидан ташкил топган бўлиб, 1-гуруҳ (1-5-бандлар)да оғир ҳуқуқбузарликлар: одам ўлдириш ёки афсунгарликда ёлғондан айблаш, ёлғон гувоҳлик бериш ва судья қарорини “ўзгартириш” учун жазолар белгиланган. Ёлғон гувоҳлик берган шахс, ёлғон айблаган қаби “қонга қон, жонга жон” қоидасига асосланган тамойил бўйича жазоланган,

⁴ Бобоев Ҳ., Дўстжонов Т., Ҳасанов С. “Авесто” – шарқ халқларининг бебаҳо ёдгорлиги. Т.: ТМИ, 2004 й., 20-б.

⁵ Қуръони Карим маъноларининг таржимаси. Маъсул муҳаррир Ҳ. Кароматов. Т.: ТИУ, 2001 й. 48-бет.

яъни, айби исботланган шахсга нисбатан қандай чора қўлланилиши мумкин бўлса, айнан ушбу жазо чораси ёлғон гувоҳлик берган, шунингдек, ёлғон айблаган шахсга нисбатан ҳам қўлланилган. Қадимги Ҳиндистон қонунларида ҳам ёлғон гувоҳлик бериш жиноят саналган. Бунда гувоҳ фақатгина ўз мақомига тенг бўлган шахсга қарши кўрсатув бера олган. Бирок ушбу қоида оғир жиноятларга нисбатан татбиқ этилмаган. Ёлғон гувоҳлик бериш юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, жиноят деб топилиб, даъво миқдорининг 10 баравари миқдоридаги жарима билан ёхуд мамлакатдан қувиб юбориш билан жазоланган.

Октябрь тўнтаришига қадар ҳам Россия қонунларида ёлғон гувоҳлик учун қатор жазо чоралари белгиланган эди. 1903 йилги Уложениеда ёлғон хабар бериш, ёлғон гувоҳлик бериш, далилларни сохталаштириш ёхуд судга сохта ҳужжатлар тақдим этиш, ёлғон қасам ичиш; гувоҳ, эксперт ёки таржимоннинг тергов жараёни ёки суд муҳокамасида узрли сабабларсиз ўз вазифаларини бажаришдан бўйин товлаши каби ҳаракатлар учун жавобгарлик кўзда тутилган эди.

1922 йилги РСФСР Жиноят кодексида ёлғон гувоҳлик учун жавобгарлик “Шахснинг ҳаёти, соғлиғи ва шаънига қарши жиноятлар” бўлимининг 178-моддасида назарда тутилган эди.

РСФСРнинг ва ЎзССРнинг 1926 йилги Жиноят кодексларида эса, ёлғон гувоҳлик берганлик учун жавобгарлик белгиланган норма “Бошқарув тартибига қарши жиноятлар” бўлимига киритилган эди, 1959 йилги Жиноят кодексида эса ёлғон гувоҳлик одил судловга қарши жиноятлар таркибига киритилди. Бунда ушбу жиноятлар одил судлов органларининг нормал фаолиятини таъминлашга оид ижтимоий муносабатларга тажовуз қилиши белгиланди.

“Гувоҳлик иммунитети”, яъни шахснинг ўзига ва яқин қариндошларига нисбатан гувоҳлик беришга мажбур эмаслиги ҳақидаги қоида, 1926 йилги Жиноят кодекси қабул қилингунга қадар амал қилган қонунда мавжуд эди. Ушбу қонданинг МДХ давлатлари орасида республикамиз Жиноят ва Жиноят-процессуал кодексларига биринчилардан бўлиб киритилганлиги алоҳида таъкидланган.

Ушбу бобнинг иккинчи параграфи **“Ёлғон гувоҳлик беришнинг ижтимоий хавфлилиги ва умумий тавсифи”** деб номланиб, унда ёлғон гувоҳлик беришнинг ижтимоий хавфлилиги, мазкур қилмишларнинг умумий хусусиятлари таҳлил қилинган.

Муаллиф жиноятчилик, айниқса уюшган жиноятчиликка қарши кураш самарадорлигини оширишда гувоҳлик кўрсатувларининг аҳамияти тобора ортиб бораётганлигини кўрсатиб, ёлғон гувоҳлик учун жавобгарликни такомиллаштириш зарурлигини асослаб берган.

Ёлғон гувоҳлик беришнинг борган сари кўп содир этилаётганлиги, терговни мураккаблаштириши, ҳақиқатни аниқлашга тўсқинлик қилиши, ишларни ҳал қилиш муддатларини чўзиши, айбдорнинг жавобгарликка тортилмаслигига, шунингдек, айбсиз кишини жавобгарликка тортилишига

олиб келиши мумкинлиги, ушбу қилмиш жазодан кутилишга бўлган ишончини кучайтириб, жавобгарликнинг муқаррарлиги принципнинг бузилишига, суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг обрўйига путур етказилишига, фуқароларнинг қонунга ҳурматсизлик билан қарашига сабаб бўлиш каби ижтимоий хавфли оқибатларни келтириб чиқариши мумкинлиги амалиёт материаллари ва тадқиқотчи томонидан ўтказилган сўровлар натижаларини таҳлил қилиш асосида кўрсатиб берилган.

Тадқиқот натижаларига кўра ёлғон гувоҳлик беришнинг олдини олишда таълим-тарбиявий, умумиҷтимоий чораларни амалга ошириш, гувоҳлик мажбуриятини ҳолисона бажарганлик учун моддий ва маънавий рағбатлантириш каби тадбирларни қўллаш, гувоҳлардан кўрсатув олишнинг самарали психологик услубларидан, шунингдек, замонавий техника воситалардан фойдаланиш кераклиги таъкидлаб ўтилган.

Жиноят кодекси 238-моддасида: жабрланувчи ва гувоҳларнинг ёлғон кўрсатув бериши, экспертнинг нотўғри хулоса бериши, нотўғри таржима қилиш (биринчи қисм) ҳамда суриштирув олиб бориш, дастлабки тергов ёхуд ишни судда кўриш вақтида гувоҳ ёки жабрланувчининг ёлғон кўрсатув бериши ёки экспертнинг ёлғон хулоса бериши ёхуд таржимонни нотўғри таржима қилиши учун пора эвазига оғдириб олиш, шунингдек, уларга ёки уларнинг яқин қариндошларига руҳий ёки жисмоний тазйиқ ўтказиш орқали ёлғон кўрсатув беришга мажбур қилиш (иккинчи қисм) жиноят таркиби берилган бўлиб, диссертантнинг фикрича, битта моддада бир неча жиноят учун жавобгарликнинг белгиланиши тўғри эмас.

Муаллиф гувоҳлик ўз маъно ва мазмунига кўра эксперт хулосаси ва таржимадан фарқ қилиши, шунингдек, ёлғон гувоҳлик беришга мажбур қилиш учун таъсир кўрсатиш ҳам объектив томондан бошқа жиноят эканлигини кўрсатиб, ушбу қилмишлар учун жавобгарликни алоҳида моддаларда белгилашни, бунинг учун ЖК 238-моддаси янги таҳрирда баён қилинишини, ЖКга 238¹- моддасини киритишни таклиф этган.

Тадқиқотнинг иккинчи боби **“Ёлғон гувоҳликнинг жиноят-ҳуқуқий тавсифи”** деб номланиб, унда мазкур жиноятнинг объекти, объектив томони, субъекти ва субъектив томони ҳамда жазони оғирлаштирувчи тури, шунингдек унинг бошқа ўхшаш жиноятлардан фарқ қилувчи хусусиятлари батафсил тадқиқ этилган.

Ушбу бобнинг биринчи параграфида **“Ёлғон гувоҳликнинг объекти”** таҳлил қилинган.

ЖК 238-моддасида назарда тутилган ёлғон гувоҳлик беришнинг бевосита объекти одил судлов манфаатлари ҳисобланади. Маълумки, одил судлов деганда, фақат суднинг конституциявий, фуқаролик, хўжалик, маъмурий ва жиноят ишларини юритиш бўйича фаолияти тушунилади.

Муаллиф бу ерда ёлғон гувоҳликнинг бевосита объекти мазмуни юқорида берилган одил судлов тушунчасидан анча кенг эканлигини, қонун чиқарувчи бу ерда мазкур жиноят объекти сифатида нафақат суд

фаолиятини, балки суриштирув ва терговда иш юритиш фаолиятини ҳам назарда тутганлигини таъкидлайди.

Ёлгон гувоҳлик бериш – бир объектли жиноят, лекин аксарият ҳолларда мазкур жиноят ёлгон гувоҳлик беришнинг факультатив объектлари бошқа муҳим ижтимоий муносабатларга зиён етказди ёки зиён етказиш хавфини келтириб чиқаради. Шахснинг турли манфаатлари ёлгон кўрсатув беришнинг энг кўп тарқалган факультатив объектларидан биридир. Чунончи, ёлгон кўрсатувлар, айблов хусусиятига эга хулосалар ҳар доим шахснинг қонун билан кўриқланидиган манфаатларига (кўпинча шахснинг эркинлигига) зиён етказишга қаратилган бўлади. Худди шунингдек, айбсиз одамни жиноят содир этганликда ёлгондан айблаш унинг шаъни ва қадр-қимматини қаттиқ таҳқирлайди ва унга жуда катта маънавий зарар етказди. Демак, ёлгон гувоҳлик беришнинг асосий объекти биттадир, айтилиши вақтда, факультатив объектлар сифатида муайян ҳолатда турли-туман ижтимоий муносабатлар амал қилиши мумкин.

Муаллиф ёлгон гувоҳлик беришнинг объектини белгилашда бевосита ЎЗР ЖК 238-моддаси диспозициясидан келиб чиқиш лозимлигини, ушбу модданинг биринчи қисми бўйича объект бу – одил судлов ва уни амалга оширишга кўмаклашувчи (прокуратура, дастлабки тергов ва суриштирув) органларнинг нормал фаолияти бўлса, иккинчи қисмида жавобгарлик белгиланган қилмишнинг объекти - жабрланувчи, гувоҳ, эксперт, таржимон, шунингдек уларнинг яқин қариндошларининг соғлиғи ҳисобланиши, ушбу жиноятнинг асосий объекти одил судлов органларининг нормал фаолияти бўлса, мазкур жиноятдан жабрланганларнинг манфаати факультатив объект сифатида намоён бўлишини таъкидлайди.

Иккинчи бобнинг иккинчи параграфи *“Ёлгон гувоҳликнинг объектив томони”*га бағишланган.

Ёлгон гувоҳлик бериш “формал” таркибли жиноятлар сирасига киради, яъни қилмишни ЖК 238-моддаси билан квалификация қилиш учун зарарли оқибатларнинг рўй берганлиги талаб қилинмайди.

ЖК 238-моддасида ёлгон гувоҳлик бериш сифатида гувоҳ ва жабрланувчининг ёлгон кўрсатув бериши, била туриб экспертнинг нотўғри хулоса бериши ва таржимоннинг нотўғри таржима қилиши назарда тутилган. Суриштирув ва дастлабки терговда гувоҳ ва жабрланувчининг сўроқ баённомасига имзо чеккан, судда жавобгарлик тўғрисида огоҳлантирилганидан кейин оғзаки кўрсатув берилган, эксперт хулосани имзолаб топширган, таржимон ёзма матнни имзолаб топширган ёки оғзаки таржимани амалга оширган вақтдан бошлаб ушбу жиноят тамомланган ҳисобланади.

И.С. Ной, ва А.Т. Гужинларнинг фикрича ёлгон гувоҳлик бериш ҳаракатсизлик билан ҳам содир этилиши мумкин. Муаллиф мазкур жиноят фақат ҳаракат билан содир этилади, деган фикрни асослаб берган.

Ёлгон кўрсатувларнинг мазмунини ёлгон ташкил этади. Ёлгон деганда, субъектнинг онгида тўғри акс этган объектив воқеликка зид фикрни онгли

равишда билдириш, яъни муайян шахсга атайин ёлгон ахборот бериш тушунилади. Жиноий жавобгарликка тортишга асос бўладиган ёлгон кўрсатув беришнинг таркибини ҳар қандай ёлгон эмас, балки муайян иш учун аҳамиятли бўлган ҳолатлар бўйича суд-тергов органларига маълум қилинган, яъни исботланиши лозим бўлган ҳолатларга тегишли ёлгон маълумот ташкил этади.

Ёлгон гувоҳлик бериш объектив томондан муайян вазият билан боғлиқ. Жиноят ёки фуқаролик ишлари бўйича иш юритувини амалга ошириш ваколатига эга бўлган органларга берилган ёлгон маълумотларгина ёлгон гувоҳлик таркибини ҳосил қилади.

Ҳаққоний маълумотни яшириш; уни инкор этиш; уйдирма маълумот бериш; амалда содир бўлган ҳолатларни бузиб кўрсатиш; ёлгон гувоҳликнинг кўп тарқалган шакллариандир. Муаллиф томонидан 2000-2007 йилларда республикада ёлгон гувоҳлик бўйича кўзғатилган 100 та жиноят ишлари, шунингдек, судларда кўрилган ишларнинг 51,1% амалда содир бўлган ҳолатларни бузиб кўрсатиш; 44,2% инкор этиш 7,7% уйдирма маълумотлар бериш шаклида содир этилганлиги аниқланди.

Экспертнинг ёлгон хулоса бериши берилган саволларга ёлгон жавоблар беришда намоён бўлади. Фактларнинг қасддан нотўғри баҳоланганлиги ёки муҳим ҳолатларга баҳо берилмаганлиги, хулосанинг ўрганилган материалларга асосланмаганлиги, жавобларнинг тўқиб чиқарилганлиги ёки бузиб кўрсатилганлиги, топилган фактларнинг инкор этилганлиги нотўғри хулоса беришнинг шакллари ҳисобланади.

Ҳар қандай маълумотлар, ҳужжатлар, оғзаки маълумотлар ва бошқа материаллар таржима предмети ташкил этиши мумкин. Бинобарин, ҳар қандай маълумотларни тақдим этилган материал ёки матнга мос келмайдиган тарзда нотўғри таржима қилиш ўрганилаётган жиноятнинг объектив томонини ташкил этиши мумкин, зеро ЎЗР ЖПК 72-моддасига биноан, таржимон ўзига топширилган таржимани аниқ ва тўлиқ бажариши шарт. Бунда таржима қилинаётган материалнинг ҳаққоний ёки ёлгон эканлиги аҳамиятсиздир, шу боис қонунда ёлгон таржима қилганлик учун эмас, балки нотўғри таржима қилганлик учун жавобгарлик белгиланган.

Иккинчи бобнинг учинчи параграфи “*Ёлгон гувоҳликнинг субъекти*”га бағишланган.

Муаллифнинг фикрича ЎЗР ЖК 238-моддасига биноан фақат гувоҳлар ва жабрланувчилар ёлгон гувоҳлик бериш жиноятининг субъектлари бўлиши мумкин. Умуман жиноят иши бўйича эксперт ва таржимон ҳам сўроқ қилиниши мумкин. Лекин улар (баъзи мамлакатларнинг қонунларига биноан мутахассислар) сўроқ қилинганда ўз процессуал ваколатларини бажаришга оид тушунтиришлар берадилар: эксперт ёзма берилган хулосасига оид қўшимча тушунтиришлар беради, мутахассис ва таржимон ҳам суриштирув, дастлабки тергов ва суд жараёнида бажарган ҳаракатлари юзасидан аниқликлар киритади. Агар улар жиноятга оид бирор ҳолатни кўрган-эшитган бўлсалар, эксперт, мутахассис ва таржимон сифатида эмас, гувоҳ

сифатида сўроқ қилинишлари ва кўрсатув беришлари мумкин. Бу ҳолда уларнинг процессуал ҳолати ўзгаради.

Тадқиқотчи гувоҳлик иммунитетига эга бўлган: гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи ва уларнинг яқин қариндошлари ёлғон гувоҳлик бериш жиноятининг субъекти бўлаолмаслигини таъкидлайди. Бундай иммунитет инсонпарварлик, адолат, шахс эркинлигини ҳурмат қилиш принципларига асосланади. Жиноятчиликка қарши кураш шундай ташкил этилиши керакки, айбланувчи қандай кўрсатув берганидан қатъи назар, унинг ёрдамисиз ҳақиқатни аниқлаш мумкин бўлсин. Айбдор содир қилган жиноятини яшириш мақсадида қилган ҳаракатлари учун жазога тортилмаслиги тўғрисидаги қондани амалга оширмасдан туриб жиноят процессида фуқароларнинг ҳимояланиш ҳуқуқини рўёбга чиқариш ҳам мумкин эмас.

Ёлғон гувоҳлик беришнинг субъектлари махсус субъектлар ҳисобланади ва шу боис, уларни жавобгар қилиш учун субъектнинг умумий аломатлари (ёши, ақли расолиги) дан ташқари, махсус аломатларга эга бўлиши талаб қилинади. Бу аломатларнинг хусусиятлари муаллиф томонидан жиноят-процессуал ва фуқаролик-процессуал қонун ҳужжатлари асосида очиб берилган.

Муаллиф гувоҳ, жабрланувчи ёлғон кўрсатув ҳақида ўз ихтиёри билан, бошқаларнинг мажбурловисиз, одил судлов органларига ёлғон маълум бўлишидан олдин, иш бўйича ҳукм ёки қарор чиқарилгунга қадар ариза берса уларни жавобгарликдан озод этилиши ҳақида рағбатлантирувчи норма ЖК 238-моддасига киритилиши зарурлигини асослайди.

Ушбу бобнинг **“Ёлғон гувоҳликнинг субъектив томони”** деб номланган тўртинчи параграфида ёлғон гувоҳлик беришда айбнинг шакли унинг зарурий аломатлари-жиноятнинг объекти, ижтимоий хавфли қилмиш, жиноят ҳолати ва субъектига нисбатан рухий муносабат билан тавсифланиши таъкидланган. Ёлғон гувоҳлик беришнинг субъектив томони, айбнинг тўғри қасд шакли билан тавсифланади. Ёлғон гувоҳлик беришга қасд қилишга шахснинг: 1) ўзи бераётган маълумотларнинг ёлғонлигини; 2) тергов қилинаётган ёки кўриб чиқиляётган иш учун уларнинг аҳамиятини; 3) шахсни махсус субъект сифатида тавсифловчи аломатларни тушунганлиги қамраб олиши муаллиф томонидан кўрсатилган.

Ёлғон гувоҳлик беришда айб шаклини тўғри белгилаш учун жиноятнинг мотив ва мақсадини аниқлаш муҳим аҳамиятга эгадир. Жиноятнинг мотив ва мақсади ёлғон гувоҳлик беришнинг зарурий аломатлари ҳисобланмайди. Аммо, шунга қарамай, мотив ва мақсад қилмишнинг ижтимоий хавфлилиқ даражасини баҳолаш, ёлғон гувоҳлик беришда айбдор шахсни тавсифлаш ва унга нисбатан одилона жазо тайинлашда муҳим рол ўйнайди. Тадқиқот натижасида ёлғон гувоҳлик бериш: айбдор ёки унинг яқинларига нисбатан раҳм-шафқат қилиш (45,7%), ўч олиш, рашк (10,1%), манфаатдор шахслар ўч олишидан кўрқиш (7,8%), таъмагирлик (1,6%), гувоҳлик берганлик учун “маънавий қораланиш”дан

кўрқиш (2,8%), шахсий манфаат, тергов органлари ва судларга ишончсизлик, улар ҳузурига боришни истамаслик, ортиқча ташвишдан ўзини олиб қочиш (32%) каби мотивлар асосида содир этилиши аниқланди.

Иккинчи бобнинг бешинчи параграфи **“Ёлғон гувоҳликнинг жавобгарликни оғирлаштирувчи турлари ва бу жиноятнинг ўхшаш қилмишлардан фарқлари”** деб номланган бўлиб, унда ЖК 238-моддаси иккинчи ва учинчи қисмларида кўрсатилган жавобгарликни оғирлаштирувчи квалификация қилувчи белгилари ва ёлғон гувоҳлик беришнинг ўхшаш жиноятлардан фарқлари таҳлил қилинган.

Муаллифнинг фикрича, ЖК 238-моддасида белгиланган жавобгарлик айбдорнинг жазосини қилмишни ижтимоий хавфлилик даражасига кўра дифференциация қилиш имконини бермайди, чунки жиноятнинг оқибатлари, унинг содир этилиш мотивига эътибор қаратилмаган. Шу сабабли Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 238-моддаси 3-қисми янги таҳрирда бўлиши лозимлиги асослаб берилган.

Тадқиқотчи ёлғон гувоҳлик беришга оид амалиётни таҳлил қилиб, тергов органлари ва судлар томонидан ёлғон хабар бериш ва ёлғон гувоҳлик беришни жиноятлар мажмуи сифатида квалификация қилиш ва жазо тайинлаш; дастлаб гувоҳ сифатида сўроқ қилиниб, ёлғон кўрсатув берган шахслар, кейинчалик жиноят ишида гумон қилинувчи ва айбланувчи сифатида иштирок этишга жалб қилинганида уларнинг ҳаракатларини ЖК 238-моддаси билан қўшиб жиноятлар мажмуи сифатида квалификация қилиш каби ҳолатлар мавжудлигини мисоллар асосида кўрсатиб, уларни бартараф қилиш бўйича таклиф ва тавсиялар билдирган. Бу ҳақда муаллиф томонидан ишлаб чиқилган Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми қарори лойиҳасида батафсил тушунтириш берилган.

Ишнинг учинчи боби **“Ёлғон гувоҳликнинг криминалогик жиҳатлари”**га бағишланган бўлиб, **“Ёлғон гувоҳлик беришнинг криминалогик тавсифи”** деб номланган биринчи параграфда муаллиф Республикамизда 2000-2007 йилларда ушбу қилмишга оид статистик маълумотларни ўрганиб, ёлғон гувоҳлик беришнинг умумий жиноятчиликдаги ҳиссаси, унинг динамикаси, мазкур жиноятни содир этган шахсларнинг хусусиятларини тадқиқ қилган.

Ушбу параграфда муаллиф томонидан Ўзбекистонда 2000-2007 йилларда суриштирув, дастлабки тергов ва судларда кўрилган 100 та жиноят ишлари ўрганилиб, ёлғон гувоҳлик учун қўзғатилган жиноят ишларининг фақат 58,4% бўйича суднинг ҳукми чиққанлиги, 41,6% амнистия акти асосида иш юритувдан тўхтатилганлиги; ёлғон гувоҳлик берганларнинг 25%ни аёллар ташкил этгани; республикамизда ёлғон гувоҳлик берганлиги учун жавобгарликка тортилганлар орасида вояга етмаганларнинг йўқлиги; 18-25 ёшлилар-30,7% ; 25-30 ёшлилар-7,6%; 30-35 ёшлилар-15,3%; 40 ёшдан катталар-46,1%ни ташкил этиши; ёлғон гувоҳлик берганлик учун жиноий жавобгарликка тортилганлар орасида ўрта маълумотлилар 58,3% ни, тўлиқсиз ўрта маълумотлилар 8,3% ни, олий

ва тугалланмаган олий маълумотлилар 33,3%; ёлғон гувоҳлик берганлар орасида илгари бошқа жиноят қилганлиги учун судланганлар 41,6% ни; шундан илгари бир марта судланганлар 8,3% ни, икки марта судланганлар 33,3% ни ташкил этиши; илгари ёлғон гувоҳлик бергани учун судланган шахслар (махсус рецидив) аниқланмаганлиги; ЖК 238-моддаси бўйича жавобгарликка тортилганлар орасида жабрланувчилар-33% ни, гувоҳлар 53,8% ни, экспертлар 13% ни ташкил қилишини, ушбу қилмиш учун жавобгарликка тортилган таржимонлар аниқланмаганлиги; ёлғон гувоҳлик берганларнинг 16,6% ишчилар, 25% хизматчилар, 50% вақтинча ишсизлар, -8,3% маҳкумлар бўлганлиги аниқланди. Мазкур жиноят кўпроқ айбдорларни оқлаш ёки уларнинг жавобгарлигини енгиллаштириш мақсадида содир этилиши, ўрганилган жиноят ишларининг 33,3%ида айбловчи кўрсатувлар, 66,6%ида оқлов мазмундаги кўрсатувлар берилганлиги маълум бўлди.

Муаллиф сўнгги йилларда мазкур жиноятнинг кўпаётганлиги, шу билан биргаликда ушбу жиноятларнинг латентлик даражаси ўта юқорилигини эътиборга олиб, дастлабки тергов органлари ва суднинг мазкур қилмишларнинг олдини олиш бўйича фаолиятини таҳлил қилган.

“Ёлғон гувоҳлик беришнинг сабаблари ва унинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитлар” деб номланган иккинчи параграфда ёлғон гувоҳлик беришга таъсир қилган криминоген омиллар таҳлил қилинган.

Ёлғон гувоҳлик беришнинг ташқи криминоген омилларига жабрланувчилар ва гувоҳларга манфаатдор шахсларнинг турли шаклда таъсир кўрсатиши; айбланувчи билан қариндошчилик ёки бошқа яқин муносабатлар; иш якунидан шахсий манфаатдорлик; иш бўйича айбланувчига хизмат юзасидан боғлиқлик; ёлғон гувоҳлик берган шахс ва айбланувчи ёки жабрланувчи ўртасида адоватнинг мавжудлиги; жабрланувчи ва гувоҳларнинг ғайриқонуний ёки ахлоққа зид хулқ-атвори; ёлғон гувоҳлик бериш субъектларининг асосий жиноятга алоқадорлиги; айбланувчи ёки судланувчига ачиниш, унинг айбини енгиллаштириш мақсади; айбдорнинг шахсига оид криминоген омилларга ўч, қасос олинишидан ёки ўзгача тарзда зиён етказилишидан кўрқиш; таъмагирлик; гувоҳлик бурчини бажаришни истамаслик, бунга шахснинг шаъни ва қадр-қимматини ерга урадиган иш, деб қараш; айбланувчи ёки унинг оиласига нисбатан ҳамдардлик, раҳм-шафқат, ачиниш; айбланувчидан ўч олиш ёлғон гувоҳлик беришни содир этилишига олиб келувчи криминоген омиллар эканлиги муаллиф томонидан статистик маълумотларни таҳлил қилиш асосида аниқланган.

“Ёлғон гувоҳлик беришнинг олдини олиш чоралари” деб номланган учинчи параграфда ёлғон гувоҳлик беришнинг олдини олишга қаратилган ташкилий, ҳуқуқий чораларнинг самарадорлиги ўрганилган.

Муаллиф гувоҳ ва жабрланувчиларни ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий тизими яратилиши зарурлиги, бу гувоҳларга кўрсатув берилишида

манфаатдор бўлган шахслар томонидан тазйиқ ўтказилишининг олдини олишда муҳим аҳамиятга эгаллиги, процесс иштирокчилари хавфсизлигини таъминлашга оид чораларни: а) ижтимоий-иқтисодий, б) ҳуқуқий, в) жисмоний чораларга бўлиш зарурлигини асослаб берган. Гувоҳнинг хавфсизлигини таъминлаш мақсадида судда унинг ўзи қатнашмасдан аудио ва видео техникалардан фойдаланиб кўрсатувлар олиш усулини жорий қилиш уюшган жиноятчиликка қарши курашда муҳим ўрин тутишини таъкидлаган. Шунингдек, ёлғон гувоҳлик берилишининг олдини олишда рағбатлантирувчи нормаларни янада кенгайтириш, уларни амалда кенгрок қўлланишига эришиш зарурлиги, чунки ишонтириб, рағбатлантириб жиноят содир этишнинг олдини олиш катта аҳамиятга эга эканлигини эътиборга олиб, тарбиявий чора-тадбирларни кучайтириш бўйича таклифлар берилган.

Ушбу бобнинг **“Ёлғон гувоҳлик беришнинг олдини олишнинг жиноят-ҳуқуқий ва жиноят-процессуал чоралари”** деб номланган тўртинчи параграфида мазкур жиноятларнинг олдини олишга қаратилган жиноят-ҳуқуқий ва жиноят-процессуал воситалар тадқиқ қилинган.

Тадқиқотчи суд амалиётини таҳлил қилиб, ўрганилган ишларда судлар айбдорга нисбатан кўпроқ жарима ёки ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланганлиги (41,6%) ёки амнистия акти асосида жавобгарликдан ва жазодан озод қилинганлиги (41,6 %), фақат 8,3 % ҳолатда жазо чораси сифатида қамок жазоси қўлланилганлигини аниқлаган.

Амалдаги ЖК 238-моддасида ёлғон гувоҳлик учун белгиланган жазо чоралари қилмишни айбнинг даражасига кўра дифференциация қилиш имконини бермаслиги, жазоларнинг енгиллиги ва амалда кам қўлланилиши ёлғон гувоҳлик бериш учун жиноий жазонинг умумий олдини олишга қаратилган таъсирини камайтиришини таъкидлаб, тадқиқотчи оғир оқибатларга олиб келган ёлғон гувоҳлик бериш (айбланган шахсга озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазонинг тайинланиши, ёлғон айблов асосида жазога тортилган шахснинг соғлиги бузилиши ва ҳ.к.) учун оғиррок жазо чораси берилиши кераклиги тўғрисида таклиф берган.

Муаллиф, Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг процесс иштирокчилари хавфсизлигини таъминлаш ва гувоҳлик беришни рағбатлантиришга қаратилган нормаларини такомиллаштириш ёлғон гувоҳлик бериш жиноятларини камайтиради деб ҳисоблайди ва бир қанча ривожланган давлатлар қонунлари, амалий тажрибаларини таҳлил қилиб, ёлғон гувоҳлик берганлик учун жиноий жавобгарлик ва жазо чоралари самарадорлигини ошириш лозим, деб ҳисоблайди ва жиноят қонуни нормаларини такомиллаштириш бўйича бир қанча таклифларни ишлаб чиқиб уларни амалга ошириш зарурлигини асослайди.

ХУЛОСА

Ўзбекистон Республикаси жиноят ва жиноят-процессуал қонунлари, махсус адабиётларни ўрганиш, суд амалиётини таҳлил

қилиш мавжуд қонунларни такомиллаштириш, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг ушбу соҳадаги фаолияти самардорлигини ошириш юзасидан қатор хулосалар қилиш, таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш имкониятини берди:

Назарий хулосалар, таклиф ва тавсиялар

1. Ёлғон гувоҳлик беришга қарши кураш ва унинг олдини олиш умуман жиноятчиликка қарши кураш ва унинг олдини олиш билан боғлиқ муаммоларнинг узвий таркибий қисмидир. Ёлғон гувоҳлик бериш ва унинг олдини олишга тор маънода фақат ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар фаолияти сифатида қарамаслик керак. Жиноятчиликнинг олдини олиш ва унга қарши кураш давлатнинг аниқ мақсадга йўналтирилган фаолият йўналиши сифатида ҳам, ушбу фаолиятни амалга оширувчи ташкилий тизим сифатида ҳам намоён бўлади. Ҳозирги даврда ташкилий тизимда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг ҳуқуқий ҳолати, ваколатлари, ўзаро муносабатларини ташкил қилиш хусусиятлари ўзгармоқда. Бу ўзгариш амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ ислохотларида яққол намоён бўлмоқда. Ёлғон гувоҳлик беришга қарши кураш ва уни олдини олишда ҳам ана шу имкониятлар эътиборга олиниши зарур.

2. Жиноятчилик, айниқса унинг уюшган турларига қарши курашиш самардорлигини оширишда процесс иштирокчилари хавфсизлигини таъминлаш муҳим ўрин тутди, бу ёлғон гувоҳлик беришнинг хусусиятлари ва унга турки берувчи сабабларни баҳолашда ҳам намоён бўлади.

3. Ёлғон гувоҳлик беришнинг асосий детерминантларига процесс иштирокчилари ўртасидаги қариндошлик ёки бошқа яқин муносабатлар, иш якунидан манфаатдорлик, манфаатдор шахс томонидан таъсир кўрсатилиши эҳтимолидан қўрқиш, фуқароларнинг ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига нисбатан ишончсизлиги, процесс иштирокчилари хавфсизлигини таъминлашга қаратилган процессуал нормаларга амалиётда эътибор берилмаётганлиги кабилар киради.

4. Ёлғон гувоҳлик беришнинг олдини олишда ҳар бир шахсда жиноятларга қарши кураш борасидаги фуқаролик позициясини шакллантириш муҳим аҳамиятга эга. Бу соҳадаги фаолиятни йўналтириш учун махсус услубий қўлланмалар, йўл-йўриқ ва тавсияномалар зарур. Бу нафақат ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, балки жамоатчилик ва олимлар олдида турган муҳим вазифадир.

5. Ёлғон гувоҳлик беришнинг олдини олишда аҳоли ўртасида тарбиявий, ўқув хусусиятидаги умумижтимоий чораларни кўриш, гувоҳлик мажбуриятини холисона бажарганлик учун моддий ва маънавий рағбатлантириш каби тадбирларни қўллаш, тергов ва суд муҳокамасида сўроқ қилишнинг самарали психологик услубларидан, шунингдек, замонавий техника воситаларидан фойдаланиш муҳим аҳамиятга эгадир.

6. Ёлғон гувоҳлик учун жавобгарликни қўллашда гувоҳлик иммунитетига алоҳида эътибор қаратилиши лозим. Чунки, шахснинг ўзига қарши гувоҳлик беришга мажбур эмаслиги тўғрисидаги қонидани амалга

оширмасдан туриб жиноят процессида фуқароларнинг ҳимояланиш ҳуқуқига эгаллиги тўғрисидаги конституциявий принциплари рўёбга чиқариш ҳам мумкин эмас

7. Гувоҳ ва жабрланувчиларни ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий тизими яратилиши зарур. Бу гувоҳларга кўрсатув берилишидан манфаатдор бўлган шахслар томонидан тазйиқ ўтказилишининг олдини олишда муҳим аҳамиятга эгадир.

Бунда процесс иштирокчилари хавфсизлигини таъминлашга оид чораларни: а) ижтимоий-иқтисодий (биографик маълумотлар, турар-жой ва иш жойини, касбини ўзгартириш имкониятини яратиш, ҳимоя қилинаётган шахс ҳалок бўлган тақдирда унинг оила аъзоларини моддий таъминлаш ва ҳ.к.); б) ҳуқуқий, ўз навбатида ушбу чоралар: жиноят-ҳуқуқий (ҳимоя қилинаётган шахсларнинг ҳаёти, соғлиги ёки мулкига тажовуз қилганлик учун жавобгарлик белгиланиши) ва жиноят-процессуал (далиллар тўплаш, процесс иштирокчилари хавфсизлигини таъминлаш тартибини такомиллаштириш) чораларга бўлинади; в) жисмоний (шахсни қўриқлаш, турар-жой ва хизмат биноларини муҳофаза қилиш ва ҳ.к.) чораларга бўлиш мумкин.

8. Ҳозирда кўп давлатларда гувоҳларнинг хавфсизлигини таъминлаш мақсадида судда унинг ўзи қатнашмасдан аудио ва видео техникалардан фойдаланиб кўрсатувлар олиш амалиёти кенг жорий этилмоқда. Бундай усуллардан республикаимиз тергов ва суд амалиётида фойдаланиш ижобий натижа беради.

Жиноят кодексини такомиллаштиришга оид таклиф ва тавсиялар.

Гувоҳлик ўз мазмунига кўра эксперт хулосаси ва таржимадан фарқ қилади, шунингдек, турли усуллардан фойдаланиб ёлғон гувоҳлик беришга мажбур қилиш объектив томонига кўра бошқа жиноят ҳисобланади. Шу сабабли ушбу қилмишлар учун жавобгарликни алоҳида моддаларда белгилаш, бунинг учун:

1. ЖК 238-моддасининг биринчи қисми қуйидаги таҳрирда баён қилиниши мақсадга мувофиқ:

“Ёлғон гувоҳлик бериш, яъни суриштирув, дастлабки тергов ёки ишни судда кўриш вақтида гувоҳ ёки жабрланувчининг била туриб ёлғон кўрсатув бериши-

энг кам ойлик иш ҳақининг йигирма беш бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки олти ойгача қамоқ билан жазоланади”.

2. ЖКга “Нотўғри хулоса бериш ва нотўғри таржима қилиш” деб номланган қуйидаги таҳрирда 238¹-модда киритилиши лозим:

“ЖК 238¹-модда. Нотўғри хулоса бериш ва нотўғри таржима қилиш.

Суриштирув олиб бориш, дастлабки тергов ёки ишни судда кўриш вақтида экспертнинг била туриб нотўғри хулоса бериши, шунингдек бир тилдан иккинчи тилга била туриб нотўғри таржима қилиш-

энг кам ойлик иш хақининг йигирма беш бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки олти ойгача қамоқ билан жазоланади”.

3. ЖК 238-моддасининг учинчи қисмига қуйидагича ўзгартиш киритилиши таклиф қилинади:

“Ушбу модданинг биринчи ёки иккинчи қисмларида назарда тутилган ҳаракатлар:

а) айблов учун сунъий далиллар келтирган ҳолда;

б) такроран содир этилса;

в) оғир оқибатларга олиб келган бўлса,

уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади”.

4. ЖКнинг 238-моддаси қуйидаги мазмундаги рағбатлантирувчи тўртинчи қисм билан тўлдирилиши лозим:

“Ўзига ёки яқин қариндошларига нисбатан жисмоний ёки руҳий тайзик ўтказилиши натижасида ёлғон гувоҳлик беришга мажбур бўлган шахслар ўз қилмишларидан пушаймон бўлиб, бу ҳақда хабар берсалар, жиноий жавобгарликдан озод қилинади”.

Шунингдек, тадқиқот ишида Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 238-моддасида жавобгарлик белгиланган “Ёлғон гувоҳлик бериш” жиноятини тергов қилиш ва судда кўришда қонун талабларига тўлиқ риоя этилишига эришиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Ёлғон гувоҳлик беришга оид ишлар бўйича суд амалиёти ҳақида” ги қарори лойиҳаси ишлаб чиқилди ва илова сифатида берилди.

Эълон қилинган ишлар рўйхати.

1. Тошпўлатов А.И. Жиноят процессида ҳимоя ҳуқуқи // Ўзбекистон Республикасида демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти куриш масалалари: Илмий-амалий конференция материаллари. Декабрь, 2002. - Тошкент, 2002. -Б. 126-129.

2. Тошпўлатов А.И. Жиноят процессида айбсизлик презумпцияси // Ўзбекистон Республикасида демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти куриш масалалари: Илмий-амалий конференция материаллари. Декабрь 2003. – Тошкент, 2003. -Б. 120-124.

3. Тошпўлатов А.И., М.Абдуллаева. Ёлғон гувоҳлик бериш жинояти // Фалсафа ва ҳуқуқ. -Тошкент, 2004. -№ 2 .-Б. 90-92.

4. Тошпўлатов А.И. Суд-ҳуқуқ ислохотлари тизимида одил судловга қарши жиноятларнинг олдини олиш муаммолари // Ўзбекистонда демократик ислохотларни ривожлантиришнинг долзарб масалалари: Республика илмий-назарий, услубий конференцияси материаллари. Апрель 2005. –Тошкент, 2003. -Б. 61-64.

5. Тошпўлатов А.И. Ёлғон гувоҳлик бериш жинояти субъекти сифатида-гувоҳ // Ўзбекистон Республикасида демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти куриш масалалари: Илмий-амалий конференция материаллари. Декабрь 2005. -Тошкент, 2005. -Б. 234-238.

6. Тошпўлатов А.И. Ёлғон гувоҳлик бериш: унинг сабаблари нима билан изоҳланади? // Ҳаёт ва қонун. -Тошкент, 2005.-№ 5-6 . -Б. 21-22.

7. Тошпўлатов А.И. Ёлғон гувоҳлик бериш. // Қонун ҳимоясида.-Тошкент, 2005.-№ 7 .-Б. 27-28.

8. Тошпўлатов А.И. Ёлғон гувоҳлик беришни олдини олишнинг жиноят-процессуал чоралари. // Тошкент давлат юридик институти ахборотномаси.-Тошкент, 2006.-№ 5 .-Б. 92-95.

9. Тошпўлатов А.И. Ўзбекистонда жиноят қонунчилигини либераллаштирилишига оид фикр мулоҳазалар // Дастлабки терговда суд назоратини таъминлаш муаммолари: Республика илмий-амалий анжуман материаллари. Апрель 2006. –Тошкент, 2006. -Б. 82-84.

10. Тошпўлатов А.И. Жиноят процессида жабрланувчилар ва гувоҳлар ҳавфсизлигини таъминлаш. // Фалсафа ва ҳуқуқ.-Тошкент, 2007.-Махсус сон. -Б. 10-11.

11. Зуфаров Р.А., Тошпўлатов А.И Ёлғон гувоҳлик бериш тури сифатида эксперт ҳулосасининг социологик таҳлили // Тарих, фалсафа ва социологиянинг бирлиги: Илмий-амалий конференция материаллари. Декабрь 2007. –Самарқанд, 2007. -Б. 159-161.

12. Тошпўлатов А.И. Ёлғон гувоҳлик бериш ва хабар беришнинг фарқлари // Фан ва ёшлар (ҳуқуқшунос аспирантларнинг илмий мақолалари тўплами). -Тошкент, 2008. –№ 2. -Б. 93-95.

13. Тошпўлатов А.И. Ёлғон гувоҳлик берганлик учун жиноий жавобгарликни такомиллаштириш масалалари // Миллий ғоя ва мафкуранинг фалсафа ва ҳуқуқ фанлари ривожигаги ўрни: Илмий-назарий конференция материаллари. Май 2008. –Тошкент, 2008. -Б. 354-357.

Юридик фанлар номзоди илмий даражасига талабгор Тошпўлатов Ақром Икромовичнинг 12.00.08-Жиноят ҳуқуқи ва криминалогия; жиноят-ижроия ҳуқуқи ихтисослиги бўйича **“Ёлғон гувоҳлик учун жиноий жавобгарлик муаммолари”** мавзусидаги диссертациясининг

РЕЗЮМЕСИ

Таянч (энг муҳим) сўзлар: ёлғон гувоҳлик, ёлғон кўрсатув, нотўғри хулоса, нотўғри таржима, жабрланувчи, гувоҳ, эксперт, таржимон, қилмишни квалификация қилиш, ёлғон гувоҳлик беришнинг сабаблари, ёлғон гувоҳликнинг олдини олиш чоралари.

Тадқиқот объекти: ёлғон гувоҳлик беришга қарши курашнинг жиноят-ҳуқуқий ва криминалогик муаммолари.

Ишнинг мақсади: ёлғон гувоҳлик бериш жиноятларини юридик таҳлил қилиш, ёлғон гувоҳлик беришга криминалогик тавсиф бериш, уларнинг содир этилиш сабабларини ўрганиш ва олдини олиш чораларини ишлаб чиқиш; жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилигини такомиллаштириш, суд-тергов органларининг ёлғон гувоҳлик беришга қарши курашдаги амалий фаолияти самарадорлигини оширишга йўналтирилган тавсия ва таклифлар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқот усули: миллий ва хорижий қонун нормаларини қиёсий шарҳлаш, статистик, социологик, тарихий, мантикий, психологик усуллар.

Олинган натижалар ва уларнинг янгилиги: диссертация иши республикамизда илк маротаба жиноят ҳуқуқи ва криминалогиянинг муаммоларидан бири бўлган ёлғон гувоҳлик беришни тадқиқ қилишга бағишланган монографик изланиш ҳисобланади. Диссертацияда ёлғон гувоҳлик беришга қарши курашнинг жиноят-ҳуқуқий ва криминалогик муаммолари ўрганилган, олинган натижалар асосида ушбу жиноятларни тўғри квалификация қилиш ва олдини олишга қаратилган илмий-амалий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти: тадқиқот натижасида ишлаб чиқилган хулоса ва таклифлар ёлғон гувоҳлик беришга қарши курашнинг самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

Татбиқ этиш даражаси ва иқтисодий самарадорлиги: тадқиқот натижалари асосида Жиноят кодексини такомиллаштириш бўйича тавсиялар ва суд амалиётини яхшилаш бўйича Пленум қарори лойиҳаси Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Олий судига тақдим қилинган. Тадқиқот натижасида олинган назарий хулосалардан юридик ўқув юртлари ўқув жараёнида фойдаланилмоқда.

Қўлланиш (фойдаланиш) соҳаси: диссертация натижасида олинган илмий қоидалар, хулосалар ва тавсиялардан қонун ижодкорлиги ва қонунни қўллаш амалиётида, ўқув жараёнида, илмий тадқиқот ишларини олиб боришда фойдаланиш мумкин.

РЕЗЮМЕ

диссертации Ташпулатова Акрома Икрамовича на тему: «Проблемы уголовной ответственности за лжесвидетельство» на соискание ученой степени кандидата юридических наук по специальности 12.00.08 – Уголовное право и криминология; уголовно-исполнительное право.

Ключевые слова: лжесвидетельство, ложное показание, ложное заключение, неправильный перевод, потерпевший, свидетель, эксперт, переводчик, квалификация содеянного, причины лжесвидетельства, меры предупреждения лжесвидетельства.

Объект исследования: уголовно-правовые и криминологические проблемы борьбы с лжесвидетельством.

Цель работы: дать юридический анализ и криминологическую характеристику лжесвидетельства, изучить причины совершения лжесвидетельства и разработать меры его предупреждения, выработать практические предложения, направленные на совершенствование уголовного и уголовно-процессуального законодательства, повышение эффективности деятельности правоохранительных органов по борьбе с лжесвидетельством.

Методы исследования: сравнительное исследование национальных и зарубежных норм законодательства, статистический, социологический, исторический, логический, психологический.

Полученные результаты и их новизна: диссертация является первым монографическим исследованием в отечественной науке, посвященным изучению лжесвидетельства как одной из актуальных проблем уголовного права и криминологии. В работе, на основе изучения уголовно-правовых и криминологических проблем борьбы с лжесвидетельством, выработаны теоретические рекомендации и практические предложения по правильной квалификации указанного преступления и предупреждению его совершения.

Практическая значимость: практические предложения и рекомендации, явившиеся результатом исследования, позволяют существенно повысить эффективность борьбы с лжесвидетельством.

Степень внедрения и экономическая эффективность: результаты исследования в виде предложений по совершенствованию норм Уголовного кодекса, а также проекта постановления Пленума Верховного суда Республики Узбекистан по совершенствованию судебной практики были представлены в Министерство юстиции Республики Узбекистан и Верховный суд Республики Узбекистан. Материалы и теоретические выводы диссертационного исследования в настоящий момент используются в учебном процессе высших учебных заведений юридического профиля.

Область применения: материалы и выводы диссертации могут быть применены в законотворческой деятельности и правоприменительной практике, учебном процессе и при осуществлении научно-исследовательских работ.

RESUME

Thesis of Tashpulatov Akrom Ikramovich on the scientific degree competition of the doctor of science (philosophy) in law, specialty 12.00.08 – Criminal Law and Criminology; Criminal Executive Law, subject: “Problems of criminal legal responsibility for false testimony”

Key words: false testimony, false evidence, false conclusion, incorrect translation, victim, witness, expert, translator, qualification of committed crime, reasons of false testimony, preventive measures of false testimony.

Subject of inquiry: criminal legal and criminological problems of struggle against false testimony.

Aim of inquiry: to give legal analysis of false testimony cases, to define criminological essence of false testimony, to investigate reasons of false testimony and elaborate the measures of its prevention, to work out propositions directed to perfection of criminal and criminal procedure legislation, raising the effectiveness of law enforcement agencies' activity aimed at struggle against false testimony.

Methods of inquiry: comparative analysis of the national and foreign states' norms of legislature, statistical, sociological, historical, logical, psychological.

The results achieved and their novelty: the thesis is the first monographic research in the Republic of Uzbekistan which is dedicated to the exploration of false testimony. The author, on the basis of studying the main problems of struggle against false testimony, presented his theoretical recommendations and practical propositions on how to appropriately qualify this kind of crime and how to prevent its commitment.

Practical value: practical recommendations and propositions, which came to be the result of the thesis, will significantly contribute to raising the effectiveness of the struggle against false testimony.

Degree of embed and economic effectiveness: the results of the research in the form of propositions on perfection of the criminal legislation and the draft resolution of the Supreme Court Plenum were presented to the Ministry of Justice of the Republic of Uzbekistan and the Supreme Court of the Republic of Uzbekistan. The research materials are being used in the educational process in higher educational institutions.

Sphere of usage: the research materials and its results could be used in law-making and law enforcement activities, educational process and scientific research work.

Босишга рухсат этилди:2008.
Ҳажми: 1,5 б.т. Адади: 120. Буюртма №
ЎзРФА Фалсафа ва ҳуқуқ институти
Босмахонасида босилди.
Тошкент шаҳар, И.Мўминов 9.

